



ФУТБОЛ СПОРТ ТУРИДАН СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИ

Мухаммадиев Навруз Турсунпўлатович, Термиз давлат педагогика институти Жимсмоний тарбия назарияси ва методикаси кафедрасининг доцент в.б.

Аннотация: Футбол - бу аҳолини, биринчи галда болалар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш учун жалб этишдаги, уларни соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги кучли самарага эга воситалардан бири ҳисобланади. Шунини таъкидлаш керакки, дунёда футбол билан профессионал ва про-фессия булмаган тарзда шугулланадиганларнинг қарийб 97-98% хаваскор тарзда шугулланувчилар улушига тугри келади ва улар оммавий футболга мансубдирлар.

Калит сўз: атлетик ўйин, спорт, футбол, болалар ва усмирлар, мураббий, салоҳият.

Аннотация: Футбол является одним из наиболее эффективных средств привлечения людей, прежде всего детей и молодежи, к занятиям физической культурой и спортом, формирования здорового образа жизни. Следует отметить, что около 97-98% тех, кто занимается футболом профессионально и непрофессионально в мире, являются любителями и относятся к массовому футболу.

Ключевые слова: атлетическая игра, спорт, футбол, дети и подростки, тренер, потенциал.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш, уларнинг ўз иқтисодлари ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шарт-шароитларни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар спортини, айниқса, «Баркамол авлод» йилида янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир.

Футбол - ҳақиқатдан ҳам атлетик ўйин. У тезкорлик, чаққонлик, чидамлилик, кучлилик ва сакровчанликни ривожлантиришга ёрдам беради. Футболчи ўйин пайтида ҳаддан ташқари кўп иш бажаради. Бу эса одамнинг функционал имкониятлари даражасини оширишга, маънавий-иродавий хислатларни тарбиялашга ёрдам беради. Чарчоқ ортиб бораётган шароитда кўп ва турли хил ҳаракатлар қилиш юксак ўйин фаолиятини сақлаб туриш учун зарур бўлган иродавий хислатлар намоёни этишни талаб қилади.

Футбол бугунги кунга келиб дунёда шубҳасиз биринчи ракамли спорт турига айланган. Статисти-канинг курсатишича, расман кайд этилган футбол жамоаларининг сони дунёда бугунги кунга келиб 1,5 млн.дан ортиб кетган бўлиб, бу жамоаларда шугулланаётганларнинг сони эса, 300 млн нафарни ташкил этади. Шугулланувчиларнинг 10% яъни, 30 млн аёл-кизларни ташкил этади. Футбол спорт турига ишқибозлик киладиганларнинг сони эса, 3,5 млрд кишини (дунё аҳолисини деярли ярмини) камраб олади.

Ўзбекистонда футбол билан мунтазам тарзда шугулладиганларнинг нисбати умумий аҳоли сонига нисбатан бугунги кунга келиб 0.14%га тенг. 2030 йилга қадар амалга ошириладиган мақсадли ишлар натижасида, бу курсаткични 5% гача олиб чиқиш вазифаси белгилаб берилди. Бошқа давлатлардаги бу курсаткичлар эса, мисол учун, Германияда 20%, Англияда 21%, Россияда 4,1% аҳоли қатламини ташкил этмоқда.

Демак, келтирилган статистик маълумотлар мамлакатимизда футбол билан шугулланувчилар нисбатини, дунё мамлакатлари курсаткичларидан ҳали анча ортда эканлигини ва мамлакатимизда футболда оммавийликни таъминлаш масалалари дарҳақиқат долзарблигини курсатади. Бу борадаги ишларни самарали кечишини таъминлашда купгина омиллар таъсир этишини теран англаш керак. Шу сабаб тизимли тарздаги фаолиятни йулга қуйишда, биринчи босқичлардаги ишларни унумли ва тугри ташкил этишдан бошлаш ута муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Футболни оммалаштириш ва унга янада куп сонли болаларни жалб этиш мақсадида турли фестивалларни ёки мусобакаларни ёз вақтларида болаларни ёзги таътил кунларини утказаетган бир вақтларда, дам олиш оромгохларида мунтазам ва тизимли йулга куйиш уринли хисобланади.

Оммавийликни оширишда ҳамда болалар ва усмирлар футболни ривожлантиришда куйидагилар жараённи янада самарали кечишига кумаклашиши мумкин:

- бошлангич таълимда оммавий футболни ри-вожлантириш;
- ёш футболчиларни кайд этиш тизимини тако-миллаштириш;
- профессионал жамоаларга футболчиларни тайёрлаб берган футбол мактабларига, жумладан мураббийларга тегишли моддий рағбатлантириш тизимларини такомиллаштириш ва бунда ошкора-ликни таъминлаш;
- ёш футболчилар хақидаги аниқ маълумотлар базасини ягона меъзонлар асосида шакллантириш;
- ёш иктидорли футболчиларни ривожланиш динамикаларини доимо урганиб бориш ва тахлил этиш (биринчи галда педагогик тахлил);
- ёш футболчилар иштирокида утказиладиган спорт тадбирлари, мусобакаларини ОАВларида намоиш этиб бориш;
- мусобакалар тизимини такомиллаштириш ва уларни утказиш даражаларини ошириш.

Юқоридагилардан хулоса килиб, футболни ом-мавийлигини таъминлаш мақсадида, куйидаги хара-катлар ва мажмуавий тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофик:

1. Оммавий футбол учун мураббий-ташкilotчи-ларни тайёрлаш. Бу мутахассислар оммавий футбол-ни ташкил этиш учун етарли билим ва куникмаларга эга булиши, укув-машгулотларни тугри ва самарали ташкил эта олиши, оммавий тадбирларни ташкил эта олиши ва уларни утказиши ҳамда

мусобакалар-да хакамликни амалга ошира оладиган куникма ва малакаларга эга булиши керак;

2. Футбол инфратузилмасини ишлаб чиқишда унинг куп кирралигини таъминлаш мухим булиб, бир иншоатни узида бир неча спорт турлари билан шугулланиш имкониятига эга спорт мажмуаларини барпо этиш, унинг келгусидаги рентабеллигини яъни фойда келтиришини таъминлаш мухим.

Хозирги кунда Халкаро футбол уюшмаси (ФИФА) хамда Европа футбол уюшмаси (УЕФА) оммавий футболни ривожлантиришга, уни турли мамлакатларнинг кенг ахоли катламлари орасида оммалаштиришга катта эътибор қаратган. ФИФА-нинг асосий гоёси ва мақсади хам - футболни имкон қадар куп сонли инсонлар орасида оммавийлаши-шини таъминлаш ва шу йул билан спорт турини ривожлантиришга эришиш хисобланади.

Шундай экан, хал этилиши керак буладиган вазибалардан бири бу оммавий футболни ривожлан-тириш масаласидир. Шунингдек, оммавий футболни ташкил этишда укув-машгулотларни самарали ва мақсадли ташкил этиш ута мухим масалалардан биридир.

Чунки, бу борада асосланган тегишли илмий изланишлар кам олиб борилмаганлиги, айникса, бизнинг мамлакатимиз микёсидаги бу йуналишдаги ишларни деярли йуклиги, бундай хулоса қилишга асос булади. Лекин, шундай булишига қарамасдан, мавзуга доир мавжуд изланишларнинг натижаларига асосланиб, оммавий футболда укув-машгулотларни ташкил этиш борасидаги айрим услубий курсатма-ларни келтириб утиш уринли дейишимиз мумкин.

Хулоса. Футболда оммавийликни таъминлаш жараёнини самарали булиши купгина омилларни уз ичига олади. Бунда футбол билан шугулланишда керак буладиган иншоатлардан тортиб, хар бир ёш гурухидаги болаларнинг ёш хусусиятларини мураббийлар томонидан аниқ билиш фаолиятни самарали кечишига хизмат қилади.

Adabiyotlar:

1. Xasanov I. T., Sodiqova D. B. Specific ways to develop physical activity in preschool children //Miasto Przyszłości. – 2022. – T. 24. – C. 20-25.
2. Hasanov I. T., Mamataov F. B. EFFECTIVENESS OF APPROACHING A COMBINATION OF THEORETICAL AND PRACTICAL EXERCISES IN PREPARATION FOR PRESCHOOL CHILDREN IN PHYSICAL TRAINING //Miasto Przyszłości. – 2022. – T. 24. – C. 4-7.
3. Toychievich K. I. Historical Characteristics, General Content and Stages of Development of Physical Education //Journal of Pedagogical Inventions and Practices. – 2022. – T. 5. – C. 18-21.
4. Tuychievich X. I. Development Stages and Characteristics of The History of Physical Education //Journal of Pedagogical Inventions and Practices. – 2022. – T. 5. – C. 96-99.
5. Tuychiyevich X. I. Development Stages and Characteristics of the History of Physical Education //Central asian journal of social sciences and history. – 2022. – T. 3. – №. 2. – C. 5-8.
6. Tuychievich H. I. Paralympic Sports Competitions-A Field of Courage and Courage //International Journal of Culture and Modernity. – 2022. – T. 17. – C. 474-477.
7. Хасанов И. Т. Имконияти чекланганларга имкон берайликжамиятда фаол шахсларнинг сони кўпайсин //Academic research in educational sciences. – 2022. – T. 3. – №. 6. – C. 785-790.
8. To'ychievich X. I. O'ZBEKISTON JISMONIY TARBIYA TIZIMIDA PARALIMPIYA SPORT MUSOBAQALARI TARIXI. – 2022.
9. Toychievich X. I. CAUSES OF HYPODYNAMY-THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN FIGHTING AGAINST IT //YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS. – 2022. – T. 1. – №. 2. – C. 27-31.

10. Atamurotovich E. K. et al. Financial And Tax Economic System In Surhan Oasis //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – Т. 6. – №. 10. – С. 2128-2141.
11. Hasanov I. T. ORGANIZATIONAL BASIS OF PHYSICAL EDUCATION OF CHILDREN IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS //Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT 2 (6) 181-182. <https://literature.academicjournal.io/index.php/literature/article/view>. – 2022. – Т. 434.
12. Хасанов И. Surxondaryolik paralimpiyadachi sportchilarning O ‘zbekiston terma jamoasi tarkibidagi ishtiroki va natijalari //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 159-163.
13. To‘ychievich X. I. ATHLETES OF SURKHANDARYO ARE IN THE UZBEKISTAN PARALYMPIC TEAM TEAM //INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 5-10.
14. To‘ychievich X. I. ATHLETES OF SURKHANDARYO ARE IN THE UZBEKISTAN PARALYMPIC TEAM TEAM //INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 5-10.
15. Hasanov I. T. ORGANIZATIONAL BASIS OF PHYSICAL EDUCATION OF CHILDREN IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS //Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT 2 (6) 181-182. <https://literature.academicjournal.io/index.php/literature/article/view>. – 2022. – Т. 434.